**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ**

# ҚАРОРИ

**ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ**

# ҚАРАРЫ

Нукус шаҳри | Нөкис қаласы

№ 265 «18» апрель 2018 й.ж

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ-5398-сонли Фармони ҳақида**

**(2017 йил 29 декабрдаги "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ЎРҚ-454-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли қарори)**

2017 йил 29 декабрдаги "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ЎРҚ-454-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 апрелдаги ПФ-5398-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармони ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони билан:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисобланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш ўз зиммамга қолдираман.

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси** **Қ.Сариев**

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг
2018 йил 12-апрелдаги
95-сонли қарорига
илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2012 йил 13 апрелдаги 96-сонли қарорининг рус тили матнидаги 2-банди тўртинчи хатбошидаги «налог на благоустройство и развитие социальной инфраструктуры» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2016 йил 25 ноябрдаги 361-сонли қарорининг рус тили матнидаги 2-банди етмишинчи хатбошидаги «налог на благоустройство и развитие социальной инфраструктуры» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2016 йил 30 декабрдаги 404-сонли қарорининг рус тили матнидаги 2-банди ўн саккизинчи хатбошидаги «сроком на 3 года» сўзлари «до 1 апреля 2018 года» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2017 йил 19 августдаги 595-сонли қарорининг 2-банди ўттиз олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Бадиий академияси марказий аппаратига 2 та шахсан бириктирилган ва 1 та навбатчи хизмат автотранспорти сақлаш учун лимит ажратиши;».